


Экологик ҳуқуқларингизни биласизми?



Фуқароларнинг экологик ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг Конститусиясида белгилаб қўйилган.

Конститусиясининг 49-моддасида, атроф-муҳит ва экологияга оид қўйидаги ҳуқуқлари мавжуд:

- Ҳар ким қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқига эга.
- Давлат атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.
- Шаҳарсозлик ҳужжатларининг лойиҳалари жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилади.
- Давлат фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслик мақсадида шаҳарсозлик

фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шартшароитлар яратади.

□ Давлат Орол бўйи минтақасининг экологик тизимини мухофаза қилиш ҳамда тиклаш юзасидан чоралар кўради.

Узун туман адлия бўлими Юридик хизмат кўрсатиш маркази

бош юрисконсулти Турсунов Абдурайим Алмарданович